





Фракцияларда

Айрим соҳалардаги ҳуқуқий бўшлиқ мустақам қонунчилик орқали бартараф этилади

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда куйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Депутатлар муҳокамадаги долзарб ҳужжатлар айрим соҳаларда мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қаратилганига эътибор бериб, уларни янада такомиллаштириш, пишшиқ-пукта тайёрлашга оид муҳим таклиф ва тавсияларни илгари сурди.

амалга ошириш тартибини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутилган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган бўлиб, маърифий фаолиятни амалга ошириш таққиланган шахслар доираси белгиланяпти. Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби, шакллари, талаблари ва шартлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутиляпти.

Маъмур ҳужжат маърифий фаолиятни амалга ошириш соҳасида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган бўлиб, қонунчилик маърифий фаолият билан шуғулланаётган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш имкониятини яратди. Депутатлар шундан келиб чиқиб қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Маҳаллий Кенгаш ва фуқаролик жамияти инстиутлари ҳамкорлиги таъминланади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, янги таҳрирдаги Конституция билан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар доирасида ҳоким ва Кенгаш раиси лавозимлари бири-биридан ажратилгани "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга тегишли



Йиғилишида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар томонидан билдирилган таклиф-тавсиялар инobatга олингани таъкидланди. Хусусан, халқ депутатлари Кенгашининг иш тартибига Кенгаш текшируви киритилмоқда. Бундан ташқари, Кенгашлар ҳудудий дастурлар, шунингдек, қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг ижросини назорат қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа инстиутлари билан ҳамкорлик қилиши мумкинлигига оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси юзасидан партия позицияси шакллантирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Электрон гаров хати концепцияси жорий этилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълум қилинганидек, лойиҳа билан "Ипотека тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш орқали гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, унинг айланмаси тартибини ва тегишли равишда ипотекани қайта молиялаш жараёни соддалаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бериш орқали расмийлаштириш белгиланяпти. Шунингдек, электрон гаров хатининг концепцияси жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, харажатларни камайтириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан облигациялар чиқариш орқали капитал бозоридан янада кўпроқ маблағларни жалб этиш механизмни жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабатини билдириб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди. Қонун лойиҳаси депутатлар

томонидан қўллаб-қувватланди. Йиғилишида кун тартибига киритилган масалалар атрофида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қандай мажбуриятга эга бўлади?

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Ер қаъри тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни бериш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бошқа соҳадаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида "ягона дарча" принципи жорий этилмоқда. Инвестиция жозибадорлигини кескин ошириш мақсадида давлат органи назорати остида ер қаъридан фойдаланиш рухсатномасини лицензия томонидан тасарруф этиш (сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шаклларга ўтказиш) механизми жорий этиляпти.

Шу билан бирга, ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг қоидалари назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, норуда қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг аниқ тартиби ҳамда рухсатномаларга эга ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, даврий ва якуний ҳисоботларни тақдим этиш, қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олишнинг йиллик минимал харажатлари белгиланяпти.

Фракция аъзоси Носиржон Амминов белгиланаётган нормалар партия мақсадлари ва электроти манфаатларига мос эканини таъкидлади. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза этишни замонавий стандартлар асосида самарали ва тизимли йўлга қўйиш, соҳага маҳалларни ва хорижий инвестицияларни жадаллаштириш ҳисобида мавжуд хомаш ё негизда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, барқарор янги иш ўринларини яратишга хизмат қилишини кайд этди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ва у қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

«Маҳалла еттилиги» қирғизистонликларда қизиқиш уйғотди

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича давлат агентлиги масъулларидан иборат делегация юртимизда бўлиб, мамлакатимизнинг давлат хизматларини ривожлантириш борасидаги тажрибалари билан танишди.

Делегация аъзолари Темирбай тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Шайхонтоҳур тумани "Гулбозор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "еттилик" фаолияти самараларини, маҳаллада яратилган шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Машҳур компаниялар Самарқандга таклиф этилди

Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов бошчилигидаги делегация шу кунларда амалий таширф билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди.

Вилоят делегацияси Шинжон-Уйғур автоном райони Урумчи шаҳрида етакчи саноатчилар, йирик қурилиш компаниялари раҳбарлари билан учрашувларда инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Эркинжон Турдимов дунёга машҳур компаниялар раҳбарлари ва тадбиркорларни Самарқандга, ҳамкорликда ишлашга таклиф қилди. Юртимизда хорижлик тадбиркорлар учун яратилган инвестициявий муҳит, имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот берди.

Қучли шахматчиларимиз терма жамоа таркибида



Венгрияда ўтказилмайдиган шахмат олимпиадаси учун Ўзбекистон терма жамоаси таркиби маълум бўлди.

Унга кўра ушбу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини Нодирбек Абдусатторов, Жаҳонгир Синдоров, Нодирбек Ёқубов, Шамсиддин Воҳидов ва Жаҳонгир Воҳидов ҳимоя қилади.

Терма жамоамизга шахмат бўйича 14-жаҳон чемпиони, олимпиада чемпиони, "Шахмат Оскари" соврини соҳиби Владимир Крамлик сардорлик қилади. Эслабт ўтамиз, 2022 йил Хиндистонда ўтказилган шахмат олимпиадасида Ўзбекистон шахмат терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган эди.

Меморандум имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Қозғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўртасида узаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Ушбу ҳужжатда дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни янада чуқурлаштириш кўзда тутилган. Жумладан, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш бўйича умумий фаолиятга доир ўқув дастурларни амалга ошириш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, тажриба ҳамда ахборот алмашиш, семинар ва форумлар ташкил қилиш ва бошқа қатор масалалар қамраб олинган.

Корея университетига — Ўзбекшунослик кафедраси

"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетининг таъаббуси билан Корея Республикасининг Намсеул университетига Ўзбекшунослик кафедраси очилди.

Ипак йўли туризм ва маданий мерос халқаро университетининг Туризм кафедраси мудири Акмалжон Одилов ҳамда кафедра ўқитувчиси Муслима Амиридинова 17 июль кун Намсеул университетига бўлиб, ушбу олийгоҳ вице-президенти, профессор Юн-Сеок Ли ва бошқа масъуллар билан учрашди. Унда икки университет вақиллари келишуви асосида очилаётган, Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини Кореяда кенг тарғиб қилишда муҳим ўрин тутувчи кафедра фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Намсеул университети вице-президенти Юн-Сеок Ли Ўзбекшунослик кафедрасига масъул этиб университетнинг ўзбекистонлик профессори Зоир Сатторов тайинланганини маълум қилди.

«Халқ сўзи»



«Халқ сўзи» ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Народное слово" газетасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги муҳбири Алёна Аминовага турмуш ўртоғи Пархат УРАКБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ноқонуний маърифий фаолият билан шуғулланувчилар жавобгарликка тортилади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида но-соғлом маърифий ишларни амалга ошириш кўпайиб, бундай тадбирларда аҳоли ва ёшлар онгига, маданиятига бегона бўлган турли хил қарашлар, ёт гоёллар, ҳиссиётлар сингдирилмоқда.

Ташкилотчилар томонидан гўёки маърифий, деб баҳоланадиган кўплай йиғинлар, учрашувлар, ўқув ва суҳбатлар махсус билим ҳамда тажрибага эга бўлмаган ва асосий мақсади пул ишлаш бўлган сохта тренерлар, лекторлар томо-

нидан амалга ошириляётир. Бундай тадбирларда диний қарашлар, кўп хотинлик, жинсий камситиш, ахлоқий бузуқлик, ҳуқуқбузарликлар тарғиб қилиниб, тингловчилар онгини манипуляция қилиш ҳолатлари ортапти.

Амалдаги қонунчиликда маъруза, тақдимот, семинар, маҳорат дарси, курс, лекция, марафон ва давра суҳбати каби шаклларда амалга ошириладиган фаолият ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Яъни ноқонуний маърифий фаолият билан шуғулланиш одамлар онги ва маданиятига салбий таъсир кўрсатиш оқибатлари юқори бўлишига қарамасдан бундай фаолият билан шуғулланган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича аниқ қонунчилик асослари мавжуд эмас.

Ушбу қонун лойиҳаси айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маърифий фаолиятни ўзгариштирилган киритишни тақозо этмоқда.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгашларга депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, унинг жамоатчилик асосида фаолият юритиши ва уни мuddатидан олдин лавозимдан озод қилиш мумкинлиги белгиланмоқда. Шу билан бирга, ҳокимлар номзоди кўриб чиқилаётганда улар ҳудудни ривожлантириш дастурини маҳаллий Кенгашларга тақдим қилиш тартиби жорий этиляпти. Қолаверса, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилиши ва тизимга жойлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги мустақамланмоқда.

Ўзгариштирилган киритишни тақозо этмоқда.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгашларга депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, унинг жамоатчилик асосида фаолият юритиши ва уни мuddатидан олдин лавозимдан озод қилиш мумкинлиги белгиланмоқда. Шу билан бирга, ҳокимлар номзоди кўриб чиқилаётганда улар ҳудудни ривожлантириш дастурини маҳаллий Кенгашларга тақдим қилиш тартиби жорий этиляпти. Қолаверса, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилиши ва тизимга жойлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги мустақамланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, унинг айланмаси тартибини ва тегишли равишда ипотекани қайта молиялаш жараёни соддалаштирилмоқда.


Қонун лойиҳаси билан гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бериш орқали расмийлаштириш белгиланяпти. Шунингдек, электрон гаров хатининг концепцияси жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, харажатларни камайтириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан облигациялар чиқариш орқали капитал бозоридан янада кўпроқ маблағларни жалб этиш механизмни жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабатини билдириб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди. Қонун лойиҳаси депутатлар

«Халқ сўзи».

«Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!



«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 15 август кун соат 11:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш тизими www.evotuz.uz орқали ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 09:00 дан 10:55 гача амалга оширилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 9 август ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@pochta.uz

Йиғилиш кун тартиби: 1. «Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш. 2. «Ўзбекистон почтаси» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини мuddатидан илгари тугатиш тўғрисида. 3. «Ўзбекистон почтаси» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Кузатув кенгаши.

Маълумот учун телефон: 71-232-00-33

РЕКЛАМА «MAHALLA» FONDNING TOSHKENT SHAHRIDAGI 12 TA TUMAN BO'LINMASI TUGATILMOQDA O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 21-dekabrda "O'zbekiston mahallalari uyushmasi faoliyatini yo'lga qo'yish va mahallalarda boshqaruv tizimini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Mazkur qarorning 3-bandida "Mahalla" xayriya jamoat fondi Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar bo'limi va tuman (shahar) bo'linmalarining shtat birliklari qisqartirilib, Uyushma va uning hududiy bo'linmalariga o'tkazilayotganligi yuzasidan "Mahalla" fondi Vasiylik Kengashining bayoni hamda "Mahalla" fondi respublika boshqaruvining 2024-yil 13-fevraldagi 22-sonli qaroriga asosan "Mahalla" fondning hududiy bo'lim va bo'linmalari tugatilishi belgilandi. Toshkent shahar Adliya boshqarmasi tomonidan fondning Toshkent shahridagi barcha tuman bo'linmalari 2024-yil 1-apreldan tugatish jarayonida ekanligi to'g'risida yuridik shaxslarning yagona davlat REYESTRiga yozuv kiritildi. «Mahalla» xayriya jamoat fondi Toshkent shahridagi 12 tuman bo'linmasi tugatilmoqda. Jumladan: — Bektemir tumani bo'linmasi — Chilonzor tumani bo'linmasi — Mirobod tumani bo'linmasi — Shayxontohur tumani bo'linmasi — Mirzo Ulug'bek tumani bo'linmasi — Yunusobod tumani bo'linmasi — Olmazor tumani bo'linmasi — Yakkasaroy tumani bo'linmasi — Sergeli tumani bo'linmasi — Yashnobod tumani bo'linmasi — Uchtepa tumani bo'linmasi — Yangiyahoy tumani bo'linmasi.

